

БИЛИМЛАР ХАЗИНАСИННИГ «ОЛТИН КАЛИТИ»



Авазбек Кўлдошев,
Халқ таълими
вазирилиги
тасарруфидаги
Андижон вилоят
Ахборот-ресурс
маркази директори

**Фойдаланувчи-
ларнинг ахборотга
бўлган талаб ва
эҳтиёжларини
айнан
библиографик
жараёнлар
ёрдамида
ўрганилади ва
тўлақонли
қаноатлантиришга
эришилади**



Инсон дунёга келибдики, ўз ҳаёти мобайнида ўрганганини, ҳаётий тажрибаларини, нозик ҳис-туйгулари, ҳаяжони ва ҳатто сир-асро-рини келажак авлодга мерос қолдириш иштиёқи билан яшаб ўтган. У бу хоҳишларнинг бар-часини ўз қўли билан ясаган буюмлари, чиз-ган расмлари ва турли маънони англатувчи белгилар, сўнгра эса номалари ёрдамида амалга оширишга ҳаракат қилган. Буларнинг барчасини умумлаштириб, келажакка қолдирилаётган маълумот ҳамда ахборот деб билсак, улар даставвал тошларда, дарахт пўстлоғи, ҳайвон терилари ва ниҳоят қоғозга туширилган белги ҳамда матнлардаги битикларда ўз аксини топган. Аждодлардан қолдирилаётган бундай улкан меросни кейинчалик тўплаш, тартибга келтириш ва эҳтиёжмандлар учун зарурларини етказиш, улардан фойдаланишнинг қулай йўлларини топишга ёрдам берувчи бир соҳага эҳтиёж тугилган ва бу соҳа қадимда библиография деб номланган.

Библиографиянинг ўзи нима? Охирги учюз йил давомида бу савол кўпчиликни қизиқтириб келган, ҳатто бугунги кунда ҳам унга турлича жавоб бериш мумкин.

Тахминан эрамиздан олдинги V асрларда қадимги Грецияда китобларни қайта кўчириб ёзувчи инсонларни «библиограф»лар деб аташган. Ўша даврларда ҳам библиограф касби энг хурматли ва обрўли касб бўлган. Чунки ўта саводхон ва бадиий маҳоратга эга бўлишни талаб этган китоб ёзиш қобилиятига эга бўлган инсонлар жуда оз бўлган.

Россиялик библиограф Олег Павлович Коршуновнинг таъкидлашича, қадимги дунё емирилишига сабаб бўлган воқеалар туфайли «библиография» сўзи узоқ вақтлар мобайнида муомалада деярли бўлмаган, факат XVII асрга келибгина француз олимлари Габриель Ноде ва Луи Жаковлар томонидан илк бора қўлланилган.

Қадимда китоб ёзаман деган маънони билдирувчи «библиография»нинг ҳозирда қандай таърифлаш мумкин? – деган саволга «маълумот-ахборот қидираман», «ахборот тўплайман, таҳлил қиласман, саралайман ва тарқатаман» маъноларини билдиради десак, ҳато қилмаймиз ва уни умумий қилиб, «Билимлар хазинасининг олтин калити» деб аташмиз мумкин. Чунки инсоният томонидан жамланган мислсиз кўп ахборотлар хазинасидан ҳар кимга кераклигини қидириб топиш ва тақдим этиш айнан ўша «олтин калит» ёрдамида гина амалга оширилиши мумкин.

Библиография ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятининг асосини ташкил этади, чунки фойдаланувчиларнинг ахборотга бўлган талаб ва эҳтиёжларини айнан библиографик жараёнлар ёрдамида ўрганилади ва тўлақонли қоноатлантиришга эришилади.

Фойдаланувчиларнинг ахборот-кутубхона ресурсларидан фойдаланишини таъминлаш, уларни интеллектуал, маънавий-ахлоқий, мадданий ва таълим олиш эҳтиёжларини қаноатлантириш учун шарт-шароитлар яратиш ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятининг асосий вазифаси ҳисобланади. Мазкур вазифаларнинг амалда бажарилишини таъминлаш ҳам кутубхоналар томонидан айнан маълумот-библиографик хизмати сервисини яхшилаш орқали амалга оширилади.

Шу мақсадда Андижон вилояти Халқ таълими тизимидағи ахборот-кутубхона муассасалари томонидан ўз хизматидан фойдаланувчиларга кўрсатиладиган ахборот-библиографик хизматининг сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида ягона библиографик хизмат тизими ташкил этилган. Мазкур тизим фаолияти ҳар бир фойдаланувчининг библиографик сўровлари бутун тизимга кирган 1 та вилоят ахборот-ресурс маркази, 18 та шаҳар ва туманлар ҳамда 90 та умумтаълим мактабларининг ахборот-ресурс марказла-

рида, шунингдек, мамлакатимиз ва ҳатто хорижда фаолият олиб бораётган бошқа ахборот-кутубхоналарда жамланган ахборот-ресурсларидан самарали фойдаланилган ҳолда жавоб қидириб топиш орқали бажарилади. Тизим фаолиятини баҳолаш учун мониторинг қилинганида бажарилмаган библиографик сўровларнинг кескин камайганлиги ва бажарилган библиографик сўровлар миқдори эса, аксинча, кўпайгани аниқланди.

Бу, албатта, тизимдаги ахборот-кутубхона муассасаларининг ўз хизматидан фойдаланувчилари ўртасидаги нуфузини ошиши, мурожаати натижасиз қолмаётгани, ахборот-кутубхона муассасаларини имкониятлари тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлиши ва энг асосийси, ўша фойдаланувчи ортидан эргашувчилар сафини кенгайтиришга олиб келмоқда.

Ягона библиографик хизмат тизимининг яна бир афзаллиги фойдаланувчилардан тушган библиографик сўровнинг бажарилиши коэффициенти катта. Шунингдек, бажарилган жавоб тизимдаги барча ахборот-ресурс марказлари маълумотлар базасига киритилди ва уларнинг барчасига келгусида тушадиган навбатдаги мавзудаги сўровга тайёр жавоб бўлиб хизмат қиласди.

Тизимни ташкил этиш жараёни барча ахборот-ресурс марказларининг маълумот-библиография аппаратини қайта ўрганиб чиқиши, имконият даражасини белгилаш ва ниҳоят, кутубхоначи ходимларнинг фаоллигини ошириш имкониятини беради.

Шундай қилиб, билимлар жамланган улкан хазинага «олтин калит» топилди десак, муболага бўлмайди.

Библиография китобхонларимиз, яъни ҳозирда мавжуд ва бўлиши мумкин бўлган истеъмолчиларимизга ҳаводек зарур. Афсуски, бўлиши мумкин бўлган истеъмолчиларнинг сони ҳозирда мавжуд бўлган истеъмолчилардан бир неча минг баробар кўпроқни ташкил этади. Улардан кўпчилиги библиографиянинг нималигини тушунмайди, айримлари чала тушунчага эга, айримлари эса умуман бошқача тасаввур этади.

Авазбек Кулдашев, директор информационно-ресурсного центра Андижанской области Министерства Народного образования Республики Узбекистан

В статье автор сравнивает один из важных факторов единой библиографической системы обслуживания читателей, которая применяется в ИРЦ Андижанской области. Эффективность системы обслуживания имеет ряд преимуществ – это нахождение источников информации библиографического запроса от пользователей, система даёт активно участвовать библиотекарям в поиске информации. Для этого он рекомендует повышение квалификации сотрудников ИРЦ в области библиографии. ■



Бугунги кунда замоннинг ўқимишли кишисига нафақат билимга эгалиги ва уни мустахкамлиги билангина бошқалардан фарқ этиш эмас, балки ўша билимни доимий мустақил равишда бойитиб ва янгилаб бориши билан ажралиб туриши талаб этилади. Библиография ва унинг имкониятларини ҳамда библиографик услубларни билмасдан туриб юқоридаги ҳислатга эга бўлиб қолмайди. Библиография – кундан-кунга билимини бойитиш ва амалий фаолиятнинг муҳим қуролилигича қолмоқда, чунки у барчага ва барча ишда зарурdir. Шунинг учун ҳам, қадимдан библиография барча билимлар эшигини очиб берувчи «олтин калит» тимсолини олган. Библиография дунёда мавжудки барча ахборотларнинг бошида туради. Унинг ёрдамида инсониятга маълум бўлган барча нарсани топиш ва билиб олиш мумкин. Библиографиясиз кутубхонани қанотсиз қушга таққослаш мумкин, усиз фойдаланувчига кутубхона ҳеч нарса эмас.

Библиографик сўровлар ахборот-кутубхона муассасаларининг ўз хизматидан фойдаланувчилари ўртасидаги нуфузини ошиши, мурожаати натижасиз қолмаётгани, ахборот-кутубхона муассасаларини имкониятлари тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлишига олиб келмоқда